



## **OPPORTUNITIES AND PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF TOURISM AFTER THE PANDEMIC**

**A.S. Abdukhamidov**

*Associate Professor*

*Samarkand Institute of Economics and Service*

*Samarkand, Uzbekistan*

**Yu. Julieva**

*Master's student*

*Samarkand Institute of Economics and Service*

*Samarkand, Uzbekistan*

---

### **ABOUT ARTICLE**

**Key words:** tourism, tourism services, tourism industry, types of tourism, ecotourism, recreational tourism, pilgrimage tourism, pandemic, quarantine, global tourism industry.

**Abstract:** The article provides information about the opportunities and prospects for the development of tourism after the pandemic, as well as the tourism potential of the country's regions.

**Received:** 02.06.22

**Accepted:** 04.06.22

**Published:** 06.06.22

---

## **ПАНДЕМИЯДАН СҮНГ ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**А.С. Абдухамидов**

*Доцент*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

*Самарқанд, Ўзбекистон*

**Ю. Жулиева**

*Магистратура талабси*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

*Самарқанд, Ўзбекистон*

---

### **МАҚОЛА ҲАҚИДА**

**Калит сўзлар:** туризм, туризм хизматлари, туризм соҳаси, туризм туризм туризм соҳасини иривожлантириш турлари, экотуризм, рекреацион туризм, имкониятлари ва истиқболлари, шунингдек, зиёрат туризми, пандемия, карантин,

**Аннотация:** Мақолада пандемиядан сүнг имкониятлари ва истиқболлари, шунингдек, туризм соҳасини иривожлантириш турлари, экотуризм, рекреацион туризм, имкониятлари ва истиқболлари, шунингдек, зиёрат туризми, пандемия, карантин,

## ВОЗМОЖНОСТИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА ПОСЛЕ ПАНДЕМИИ

**А.С. Абдухамидов**

*Доцент*

*Самарканский институт экономики и сервиса*

*Самарканд, Узбекистан*

**Ю. Джусулиева**

*студент магистратуры*

*Самарканский институт экономики и сервиса*

*Самарканд, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** туризм, туристические услуги, индустрия туризма, виды туризма, экотуризм, рекреационный туризм, паломнический туризм, пандемия, карантин, мировая туризмустрия.

**Аннотация:** В статье представлена информация о возможностях и перспективах развития туризма после пандемии, а также о туристском потенциале регионов страны.

### КИРИШ

Бугунги кунда туризм соҳаси мамлакатлар ва минтақалар иқтисодиётини ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этишини ва у XXI аср жаҳон хўжалигининг устувор тармоқларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Туризм соҳаси юксак даражада ривожланган давлатларнинг тажрибасидан шуни хуласа қилишимиз мумкинки, бу соҳа XXI асрда иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг истиқболли ижтимоий-иктисодий йўналишларидан бири бўлиб бормоқда.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Туризм иқтисодий фаолиятлардан ташқари аҳолининг меҳнат қобилиятларини қайта тиклаш, кенг миқёсида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, маданий билиш ва жамиятни эстетик ривожлантириш каби қатор ижтимоий вазифаларни ҳам бажаради.

Хозирги вақтда туризм соҳаси мамлакатимизда ҳам иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда тарихий-архитектура, зиёрат обьектлари каби жуда кўплаб туристик ва маданий мерос ресурслари мавжуд. Буларнинг барчаси мамлакатимизда туризм соҳасининг деярли барча турларини ривожлантиришга асос бўлади.

“...Мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларини — зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш, болалар, ўсмиirlар ва ёшлар туризмини, оилавий

туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш ...” масалаларига катта зътибор берилмоқда.

Маълумки 2020 йилдаги COVID-2019 пандемияси иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Айниқса туризм соҳаси ушбу холатдан жуда катта зарап кўрди. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра, “2019 йилда халқаро туристлар сони 1,5 миллиардга етиб, Европа минтақасига келган туристлар сони 4%, Осиё-Тинч Океани минтақасида 5%, Африкада 4%, Америка минтақасида эса 2% ни ташкил этди. Энг юқори ўсиш кўрсаткичи Яқин Шарқ минтақасида кузатилиб 8%ни ташкил этган”. Аммо коронавирус пандемияси сабабли 2020 йилнинг биргина январ-май ойлари оралиғида жаҳон туризм индустряси 320 миллиард доллар даромадни йўқотган. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) ҳисоботига асосан бу кўрсаткич 2009 йилдаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз натижасида соҳа томонидан кўрилган заарлардан уч баравар кўпdir.

Коронавирус пандемиясининг таъсири мамлакатимиз туризмiga ҳам салбий таъиини кўрсатмасдан қолмади. Дунё бўйлаб парвозларнинг бекор қилиниши, мамлакатлар чегараларининг ёпилиши, бутун дунё бўйича карантин қоидаларининг жорий қилиниши натижасида хорижий туристлар оқими кески тушиб кетди. Натижада, “2020 йилда жами 1 млн 504 минг турист ташриф буюрди ва 261 миллион АҚШ доллари миқдорида туризм хизматлари кўрсатилди” холос. Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, туризм соҳасини иривожлантириш бўйича Мухтарам Президентимиз томонидан яратиб берилаётган кенг имкониятлар натижасида туризм соҳаси аста-секин ўз мавқеини тиклаб бормоқда.

Бугунги кунда, пандемиядан кейинги даврда туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида мамлакатимизнинг йирик туристик салоҳияти ва имкониятларидан фойдаланган ҳолда туризм соҳасининг алоҳида турлари ва йўналишларини ривожлантириш имкониятларини тадқиқ қилиш, унинг устувор йўналишларини белгилаш лозим бўлмоқда. Хусусан, қўйидаги худудлардаги зиёрат туризми, экотуризм ва рекреацион туризм турларини ривожлантириш салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофик:

**Тошкент вилояти:** Республикализнинг пойтахти сифатида Тошкент сайёҳликнинг энг йирик маркази ҳисобланади. Тошкентда туризмни ривожлантиришнинг кенг имкониятлари мавжуд. Ушу минтақада Кўкаaldoш мадрасаси, Каффол Шоший мақбараси, Ҳазрати И мом архитектура мажмуаси, Абулқосим мадрасаси, Бароқхон мадрасаси, Жомеъ масжиди, Ҳости И мом майдони, Тилла Шайх масжиди, Ҳазрати И мом масжиди, Ҳадра майдони, Суфи Ота мақбараси, Занги ота ёдгорлик мажмуаси, Анбарбиби мақбараси, Юнусхон мақбараси каби асосий тарихий ва архитектура ёдгорликларига эга. Шунингдек, Угом Чатқол миллий боғи, Оқтош, Хумсон, Ғазалкент, Товоқсой, Белдирсой, Чорбоғ, Чимган, Кумушкон, Сўқоқ,

Оҳангарон, Янгиобод, Эртош, Кўксарой, Қизилчи дам олиш ва даволаниш масканлари мухим аҳамиятга эга.

**Фарғона вилояти:** Фарғона водийсининг қадими шаҳарлари Қува, Марғилон, Риштон ҳамда Кўқон шаҳарларидағи мавжуд масжид ва мадрасаларнинг асосий қисми муқаддас мозорлар асосида бунёд этилган. Фарғона вилоятидаги мавжуд меъморий обидалар ичидаги муқаддас зиёратгоҳлар билан боғлиқ ёдгорликлар, масалан, Даҳмайи шоҳон, Модарихон, Биби Убайдада, Шоҳимардондаги Ҳазрат Али мозори, Тошкелин, Қиз мозор, Хўжа Илғор, Яланғоч ота, Садқак ота ва бошқа кўплаб обида ва зиёратгоҳлар соҳа ривожида мухим ўрин тутади.

**Андижон вилояти:** Андижон кўп асрлик бой тарихга эга. Вилоятда эрамиздан олдинги XII-VII асрларга оид бўлган кўхна шаҳарлар ва археологик комплекслар мавжуд. Шундайлар сирасига Далварзин, Эйлатон, Мингтепа, Ашқалтепа, Сарвонтепа ва бошқаларни киритиш мумкин. Сайёҳларни шунингдек, Мирпўстин ота, Фозилмон ота, Имом ота, Тузлуқ момо, Учбулоқ, Мингтепа археологик ёдгорлиги, Йилқичи Бува зиёратгоҳи, Фозилмон ота зиёратгоҳи, Хўжа Абдуллоҳ Туғдор, Кутайба Ибн Муслим мақбарами, Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи, Биби сешанба зиёратгоҳи, Отакўзи мадрасаси ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб диққатга сазовор ёдгорликлар ўзига жалб этмоқда.

**Наманган вилояти:** Наманган вилояти худуди археологик обидаларга бойлиги билан ажralиб туради. Наманган вилоятининг туристик ресурслари қаторига Хо‘жа амин мақбарами, Мулло Бозор Охунд мақбарами, Қадими Ахсикент, Мулла Қирғиз мадрасаси, Фойибназар Қози мадрасаси, Мавлоно Лутфуллоҳ мажмуаси, Мавлавий Наманганий мақбарами, Девона Бува мақбарами ва бошқа кўплаб туристик ресурслар узоқ ўтмишдан хабар бериб туради.

**Жizzах вилояти:** Ушбу минтақа табиатининг ўзига хос хусусиятларидан бири тоғлар ва тоғ ёнбағирлари, бир катор шифобаҳш сув манбаларининг мавжудлигидир. Ҳар бир юртнинг ўз табаррук масканлари, бош узра тутган муқаддас зиёратгоҳлари бўлгани каби Жizzах воҳасининг ҳам мўътабар зиёратгоҳлари бор. «Сайҳонсой қоятошлари»даги суратларни (4,5 минг йил аввал), минг йиллардан бери азиз тутиб келинган Темир дарбоза, Саъд ибн Абу Ваққос, Парпи ота, Хўжамушкент ота, Новқа ота, Ўсмат ота, Саид МирХалилиллоҳ ота, Хўжабоғон ота, Сайфин ота, Саврик ота, Қулфисар ота каби кўплаб мўътабар зиёратгоҳ манзиллари ва қадамжолари мавжуд.

**Сирдарё вилояти:** Ушбу вилоят ҳам ўзига хос туристик ресурсларга эга. Ушбу ҳудадда “Гумбаз” тарихий обидаси, Юсуф бобо, Шербобо, Хадича биби мақбараалари, Гумбаз қишлоғи сардобаси, Ховос қалъасидаги карvonсарой, Оқолтин туманидаги

Мирзақудуқ сардобаси, Сардoba шаҳарчасидаги карvonсарой ва бошқа кўплаб тарихий-маданий ёдгорликлар мавжуд.

**Самарқанд вилояти:** Минтақа тарихий обидалар, муқаддас қадамжолари, маҳаллий халқларининг ўзига хос урф-одат ва анъаналари, архитектура, археологик, шаҳарсозлик, шунингдек, миллий хунармандчилик ҳамда ноёб маданияти ва санъати, сўлим табиати билан маҳаллий ва хорижий туристларни ўзига жалб қиласи. Мамлакатимизнинг ушбу туристик марказида Афросиёб (эрамиздан олдинги VIII аср), Мирзо Улуғбек расадхонаси, Шохи Зинда архитектура мажмуаси, Ҳазрати Ҳизр масжиди, Бибихоним масжиди, Регистон ансамбли, Чорсу бозори, Рухобод мақбараси, Оксарой мақбараси, Амир Темур мақбараси, Хожа Ахрор мажмуаси, Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси каби жуда кўплаб ёдгорликлар мавжуд.

**Бухоро вилояти:** Бухоро вилояти Арк қалъаси, Боло-Ҳовуз мажмуаси, Исмоил Сомоний мақбараси, Чашмаи-Аюб, Абдуллахон мадрасаси, Модари-Хон мадрасаси, Масжиди Баланд, Гавкушон мажмуаси (масжид, минора, Мадраса), Зайниддин Хожи хонақоси, Пойи-Калон мажмуаси, Лаби-Ҳовуз мажмуаси, Кўкалдош мадрасаси, Нодир Девонбеги хонақоси, Улуғбек мадрасаси, Абдулазизхон мадрасаси, Болоховуз масжиди, Сайфиддин Боҳарзий мақбараси, Баёнқулихон мақбараси, Намозгоҳ масжиди, Файзобод хонақоси, Чорминор мадрасаси, Бухоро Амирининг Ситораи Моҳи—хоса ёзги саройи, Чор-Бакр мажмуаси каби кўплаб тарихий архитектура ёдгорликларига эга.

**Навоий вилояти:** Навоий вилоятида қадимги давр, илк ва ўрта асрларда қурилган 10 дан ортиқ ёдгорликлар мавжуд. Жумладан, қадимги Карманадаги Мирсаид Баҳром мақбараси, Қосим Шайх меъморий мажмуаси, Катта Гумбаз масжиди, Бухоро – Навоий йўлидаги Работи Малик карvonсаройи ва сарdobаси, Дехгарон мажмуаси, Нурота чашмаси кабиларни айтиб ўтиш мумкин.

**Сурхондарё вилояти:** Сурхондарё вилоятидаги Кушонлар даврига оид археологик ёдгорликлар ниҳоятда кўп ва хилма-хилдир. Минтақада сақланиб қолган асосий ёдгорликлар қаторига Қирқ қиз саройи, Ҳаким ат Термизий архитектура ёдгорлиги, Султон-Саодат мажмуаси, Термиз ҳукмдорлари саройи, Қоратепа ибодатхонаси ва Фаёзтепа ибодатхонаси каби бир қанча обеъктларни мисол келтиришимиз миз мумкин. Шу билан биргаликда, воҳанинг ўзига хос урф-одатлари, халқ ўйинлари, таомлари ва ўзига хос кийимлари вилоятлар ичидан ажralиб туради.

**Қашқадарё вилояти:** Қашқадарёнинг Қарши шахри Самарқанд ва Бухородан Афғонистон ва Ҳиндистонга ўтувчи карvon йўллари асосида юзага келган. Қарши бир неча архитектура ёдгорликларига эга. Булар: Кўкгумбаз масжиди, Оқсарой мажмуаси, Дорус - Саодат мажмуаси, Ҳазрати Имом масжиди, Жаҳонгир мақбараси, Дор-ут-Тиловат

архитектура мажмуаси ва бошқа кўплаб тарихий меросга, зиёратгоҳ жойларга эгадир. Бундан ташқари Қашқадарё экотуристик райони чўл, дашт, тоғ олди ва тоғли минтақалардан иборат.

**Хоразм вилояти:** Хоразмнинг бой кўп киррали тарихи қадим замонлардан бўён хорижий ва маҳаллий олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келади. Вилоятда кўплаб тарихий ёдгорликлар мавжуд. Айниқса, Хива шаҳридаги меъморий обидалар бугун дунё аҳлининг эътиборини тортиб келмоқда. Ушбу минтақада турли даврга мансуб бўлган бир қанча тарийхий архитектура ёдгорликлари мавжуд.

**Қарақалпоғистон Республикаси:** Республикада 3 маҳсус қўриқланадиган табиий минтақа: "Бадайтўқай" давлат қўриқхонаси, "Сайғоқ" ва "Судоче" буюртма қўриқхоналари ташкил этилган. Тупроқ қалъа, Назлимхон сулу – суфилар манзилгоҳи, Қойқирилган қаъла, Шилпиқ тепалиги, Даъукескең қашиси (Марказий Осиёдаги энг қадимги божхона), Ақшахан (қадимги пойтахт), Миздакхан мажмуаси, Совицкий номидаги давлат музейи, Ажинияз бобо мақбараси, Жантемир Ийшан ата зиёратгоҳи каби яна кўплаб туристик ресурсларни келтириб ўтиш мумкин.

## ХУЛОСА

Кўриниб турибдики, мамлакатимиз минтақалари бой туристик ресурслар ва имкониятларга эга. Яқорида келтирилган минтақаларимиздаги мавжуд туристик ресурсларимиз рўйхатини кўплаб давом эттиришимиз мумкин. Аммо, туризм соҳаси ресурслар бўйича рўйхатни тузиб қўйиш билан ривожланмайди, балки, пандемиядан кейинги даврда ушбу ресурслардан максимал даражада туристик маршрутлар ишлаб чиқиши, турмаҳсулотларимизни шакллантириш жараёнида фойдаланиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқишимиз бугунги қуннинг ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларидандир. Шундай экан, мамлакатимиз минтақаларида туризм соҳасини ривожлантириш ва туристик ресурслардан фойдаланиш борасида қўйидаги ишларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- мамлакатимиз минтақаларини ўз туристик ресурслари билан таҳлил қилиб чиқиши ва туристик ресурслари бўйича маълумотлар базасини шакллантириш;
- минтақаларда туризмнинг истиқболли турларини ривожлантириш имкониятларини илмий-назарий жихатдан тадқиқ этиш ва амалиётга жорий этиш;
- минтақаларда туризмни ривожлантиришга қаратилган маркетинг тадқиқотларини олиб бориш ва минтақаларда туризмни бошқариш механизmlарини такомиллаштириш;
- зиёрат туризми, экотуризм ва рекреацион туризм салоҳиятининг виртуал туристик оламини яратиш орқали туристлар қизиқишини янада ошириш, уларни виртуал олам орқали туристик салоҳият бўйича тасаввурларини шакллантириш ва б.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ти Фармони.
2. Балтабаев М.Р., Тухлиев И.С., Сафаров Б.Ш., Абдухамидов С.А. “Туризм: назария ва амалиёт”. Дарслик. Т.: “Фан ва технология” 2018 й.
3. Тухлиев, И. С., & Ибадуллаев, Н. Е. (2011). Туризм операторлик хизматини ташкиллаштиришнинг асослари. Ўқув қўлланма. С.: СамИСИ, 256.
4. Amriddinova, R. S., & Abdukhamidov, S. A. (2021). Factors for Determining the Specialization of the Regions of the Republic of Uzbekistan in Tourism and the Assessment of Tourist Attractiveness. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF INNOVATIONS ON TOURISM MANAGEMENT AND FINANCE, 2(10), 51-55.
5. Tukhliev I.S., Abdukhamidov S.A. DIRECTIONS OF ACTIVATION OF INNOVATIVE ACTIVITIES OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS IN FORMING INNOVATIVE ECONOMY. BBK: 75.81 T 88, 235. (2019).
6. Хакбердиев, К. К. (2021). СОТРУДНИЧЕСТВО УЗБЕКИСТАНА И КИТАЙСКОЙ НАРОДНОЙ РЕСПУБЛИКИ В ОБЛАСТИ ДОБЫЧИ МИНЕРАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(Special Issue 1), 713-718.
7. Sayfullayev, D. Cultural Diplomacy of Uzbekistan and Shanghai Cooperation Organization in the Framework of the Shanghai Cooperation Organization (SCO).
8. Karimova, N., Sadibekova, B., & Usmonova, S. (2021). The Roads of Central Asia-to the History of Buddhism. *TJE-Tematics journal of Education*, 6.
9. Odilov, B. A., & Karimov, N. R. (2020). Analysis of Targeted Research in 20-30 Years of the XX Century. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*, 17(6), 8887-8893.
10. Karimova, N. E., Sadibekova, B. D., Hasanova, N. N., Sadullayeva, S., & Abdurashidov, N. (2020). Smart management as an innovative way to manage change in the process of globalization. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(6), 1221-1225.
11. Odilov, B., & Karimov, N. Archaeological Research is an Important Source in the Study of Traditional Economic Activities of the Uzbek People (On the Example of Some Researchers of the Twentieth Century).
12. Sayfullayev, D. (2022). Cultural Relationship between Uzbekistan and Shanghai Cooperation Organization in the Field of Tourism. *International Journal of Social Science Research and Review*, 5(5), 367-370.
13. Usanova, S., & Rikhsiyeva, G. (2017). Intercultural Communication. *Tashkent State Institute of Oriental Studies*.